

**ARTICLE INFO**Received: 17th October 2023Accepted: 18th October 2023Online: 19th October 2023**KALIT SO'ZLAR:**

одоб илми, яхшилик
қилиш, китобхонлик.

ОДОБ ИНСОН ЗИЙНАТИ

Авазбеков Абдулфайз

Андижон шаҳар 2-мактаб ўқувчиси

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақола ҳар қайси даврнинг муҳим инсоний хусусияти бўлган, тарбия асоси саналган, одоб масаласига бағишланган.

Одоб бу ўз ичига жуда кўп мавзуларни қамраб олган илмдир. Одоб барча инсоният учун жуда кераклидир. Бу илм ҳақида барчани ўзига яраша тушунчаси ва ўзига яраша амали бўлишлиги лозим. Одоб сўзи арабчадан олинган бўлиб “адаб” яъни “маъдаба” яхшиликка ва зиёфатга чақирувчи деган маънони англатади. Машойхлар айтишларича, “Ким нимага эришса, фақат одоб билан эришибди. Ким нимани йўқотса фақат одобсизлик билан йўқотибди”, - деганлар. Абу Наср Фаробий айтадилар: “Ҳар бир киши касб-корини мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ, одоб, фазилатларига эга бўлмоғи керак”

Набий саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадисларини жамловчи ҳар бир китобда одоб учун алоҳида “Китобул адаб” номли ички “китоб”лар бор. Хусусан, имом Ғаззолийнинг “Ихёу улумид дин” китоблари, имом Хорис Мухасибийнинг “Рисалатул мустаршидийн” китоби, имом Ахмад ибн Ханболнинг “Китобуз зуҳд” асарлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Демак, замонга қараб фикр юритилса ҳозирда ёш авлодни одоб ахлоқи ривожланишига тўсиқ бўлаётган сабабларидан бири: ота-онанинг болага эътибор камлиги оқибатида ҳар-ҳил ноқонуний ва беҳаё нарсалардан ўзини тия олмаслик ҳамда ижтимоий тармоқларда ўзига тегишли бўлмаган гуруҳларга аъзо бўлиши оқибатида одоб-ахлоқ масаласида оқсаб қолмоқдамиз.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анху ривоят қиладилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам: “Киши фарзандини ёки бирингиз фарзандини одобли этиб тарбиялаши унинг учун ҳар куни

ярим соъ садақа қилишидан яхшироқдир” деганлар” Термизий ва Ахмад ривоят қилган.

Одобни ёшларга ўргатиш учун уларга намуна бўладиган ота-она ва атроф муҳит керак. Ота-онанинг болага бўлган эътибори, китобга муҳаббатли бўлишига ва ўзидан бошқаларга одоб ҳақида тушунча бера оладиган даражагача етиши учун қўллаб-қувватлашлари керак. Ва бу илм болаларга ўргатилса, инсонлар жамиятга, оиласига, болаларига, ота – онасига муҳаббатли ва меҳрибон бўлиб ўсади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримни Исро сурасида марҳамат килиб айтади:

“Роббинг фақат унинг ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар хузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга “уфф” дема, уларга зажр қилма ва уларга карамли сўз айт”(Исро сураси, 23 оят.) Лекин афсуски, кўпинча болаларни ота-онага, ўқитувчиларга нисбатан ҳурматсизлик қилаётганини гувоҳи бўлиб қоламиз, буларнинг ҳаммасига илмсизлик, китобга бефарқлик, оилада маънавий суҳбатлар камлиги сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилганда, жамиятга одобни ўргатишдан олдин ҳамма ўзини ислоҳ қилиб, ўзидан бошлашлиги ва маънавиятга зид хислатларидан воз кечмоғи лозим. Шундагина одамлар ўша кишидан ўрнак олишга, у каби бўлишга интилади. Ана ўшандан кейингина жамият аста секин ўзгариб, яхшиликларга эришади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Т., 2022.
2. Mahammadovna, S. I. (2022, October). DEVELOPMENT OF A METHODOLOGICAL SYSTEM OF TRAINING BASED ON THE CLUSTER APPROACH. In Archive of Conferences (pp. 30-33).
3. СИРОЖИДДИНОВА, И. EFFECTIVENESS OF STUDENTS PROFESSIONAL CREATIVITY IN RENEWING UZBEKISTAN. PUBLIC CONTROL IN EXECUTIVE AUTHORITIES.
4. Nasirov, I. Z., & Sirojiddinova, I. M. (2023). “BUZUK TELEFON” TEXNOLOGIYA PEDAGOGI ASOSIDA MASHGULOTLARNI OLIV BORISH. PEDAGOG, 6 (2), 291-298.
5. МАХАММАДОВНА, S. I. (2022). Таълим жараёнини мониторинг тадқиқ қилиш учун ташхис материалларини ишлаб чиқиш. Results of National Scientific Research.
6. Сирожиддинова, И. М. (2023). В КОМПЛЕКСНОМ ПРОЕКТИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ ИНЖЕНЕРОВ МЕТОД СЛУЧАЙНОЙ ВЫБОРКИ. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(16), 521-523.